



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Нима қилаётганингиз эмас, балки қандай қилаётганингиз муҳим.
Лудвиг ФОЙЕРБАХ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодани телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

2021 йил 22 январь, жума

№ 7 (24500)

Вилоят ҳокимининг сайёр қабули

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, муаммолар ечимига эътибор қаратиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Ҳаёт давом этар экан, унинг ўзига яраша ютуқ ва муаммолари бўй кўрсатиб туради.

Вилоят раҳбари фуқаролар билан бўлиб ўтган очик ва самимий мулоқотда аҳоли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган кўплаб масалалар ечимига эътибор қаратди. Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш учун ер майдони, кредит ажратиш, мактабгача таълим муассасаси қуриш, аҳоли бандлиги, ижтимоий ёрдам ва нафақалар, алимент ундириш, сув, табиий газ, электр таъминоти билан боғлиқ юзлаб муурожаатлар тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди, айрим масалаларга шу ернинг ўзида ечим топилиди, ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Оптирик туманидаги бўрболик қишлоғидан келган 65 ёшли Саидабун Маъмурова вилоят ҳокимидан оиласидаги келишмовчилик юзасидан амалий ёрдам сўради.

— Оиламиз "Темир дафтар"га киритилган, — дейди у. — Бунга сабаб оилани ўғлим, турмушдан ажрашган қизим (фарзанди билан) ва мен бирга икки хонали уйда яшаймиз. Қизим II гуруҳ ногирони. Кўёвим етти йилдан буён алимент тўлашдан қочиб юрибди. Келиним билан қизим ўртасида гоҳида турли келиш-

Фарғона вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров Қўштепа тумани "Қийқа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Ёшлар маркази"да Тошлоқ, Олтиарик, Қўштепа, Қува, Учкўлрик, Бувайда туманлари ҳамда Фарғона ва Марғилон шаҳарларида яшовчи фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўтказди.

мовчиликлар бўлиб туради. Бу фарзандлари таълим-тарбиясига салбий таъсир этмоқда. Вилоят раҳбари онахоннинг муурожаати юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқ берди. Яқин вақт ичида оилага имтиёзли равишда уй-жой ажратиш масаласи кўриб чиқилди. Қувалик Мавлуда Зокиржонованин туман марказидаги Ясавий кўчасида кичик тикувчилик чеҳри бор эди. 2018 йил март ойида бино тадбиркорнинг розилигисиз, оғохлантирилмасдан бузиб ташланган. — Ушанда биномиз 18 миллион сўмга баҳоланган эди, — дейди

тадбиркор. — Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, компенсация берилгани йўқ. Сайёр қабулда иштирок этган туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Ҳабибулло Рустамов бундан хабардорлигини айтиб, мавжуд ҳолат билан боғлиқ иш яқин вақт ичида қонуний ечим топишини айтди. Тошлоқ туманидаги "Сўфилар" маҳалла фуқаролар йиғинидан келган Мухаббат Уматова маҳаллага тоза ичимлик суви тортилганидан миннатдор эканлигини баён қилди. Лекин йўл, табиий газ, электр таъминотидаги носозликлар юзасидан эъти-



розларини билдирди. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги ички йўллар кўп йиллардан буён таъмирлашга муҳтож. Сайёр қабулда фуқаро кўтарган масалаларнинг амалий ижросини таъминлаш юзасидан зарурий кўрсатмалар берилди. Муурожаатчиларнинг кўпчилиги ҳоким қабулида бўлишдан олдин ҳам ўзларини ўйлантираётган, қийнаётган масалалар, муаммолар юзасидан тегишли ташкилотларга учрагани, лекин улар ваъда беришдан нарига ўтмаганларини таъкидлашди. Ҳудудлардаги масул раҳбарлар фуқаролар муурожаати билан шугулланиб, ижобий ҳал этишса, бу каби такрорий оворагарчиликларга чек қўйилган бўларди.

Албатта, ҳар бир муурожаат ортида инсон ва унинг ҳаётий ҳақ-ҳуқуқлари муҳим. Шу боис, муурожаатлар билан ишлашда ана шу нуқтага назардан ёндашиш, муаммо ва масалаларга ечим топишда масъулият туйғусини унутмаслик зарур.

Расул КАМОЛОВ, Аскаралӣ ТУРСУНОВ. Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

Муносабат

ЎҚИТУВЧИ РАҒБАТГА МУНОСИБ ИШЛАШГА ИНТИЛАДИ

Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлисига Муурожаатномасидаги "Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан, таълим-тарбиядан бошланади" деган иборалари биз устозларни ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб улғайиши учун меҳнат қилишга ундайди.

Гулнозаҳон ЭРНАЗАРОВА, Данғара туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактаби биология фани ўқитувчиси, "Шўҳрат" медали соҳибчи.



Дарҳақиқат, юрт келажаги, обод ва фаровон ҳаёт таъминлашиш бугунги кун ёшларига биз устозлар берган таълим-тарбияга боғлиқ. Агар ёшларимизни ғайратли, шижоатли, фидойий ва билимли қилиб тарбияласак, қўзлаган марраларимизга албатта эришамиз.

Мактаб таълимини тубдан яхшилаш мақсадида олис ҳудудларга бориб дарс берадиган ўқитувчилар ойлугига 50 фоиз, бошқа вилоятларга бориб ишласа, 100 фоиз устам ҳақ тўлашиши ҳақидаги хушxabарлар нақадар қувонарлидир.

Ўқитувчи касбини мамлакатимизда энг обрўли касбга айлантириш бўйича Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг амалий ижроси, янги йилнинг биринчи иш кунидан бош-

ланди. Тошкент шаҳрида янги қурилган замонавий "Чинобод Плаза" санаторийси биринчи меҳмонлар сифатида республикамизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган педагоглар учун ўз эшикларини очди.

Бу ерда яратилган шароитларга ҳавасим келди. Шуниси қувонарлики, бу йил илк бор 13,5 минг нафар ўқитувчилар Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан шу каби санаторийларда бепул дам олиб, соғлиқларини тиклашга имконият яратиб режалаштирилган. Бундай эътибор учун биз педагоглар Муурожаатномада белгиланган берилган вазифаларни ҳар доим виждонан бажаришга, ёш авлодни билимли ва кенг дунёқарашга эга ҳамда эзгу фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламиз.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — БУРЧИМИЗ

Президентимизнинг Олий Мажлисига Муурожаатномасида даярли барча йўналишлар бўйича ислохотлар ҳақида фикр билдирилди.

Давронбек МҮЙДИНОВ, ҚДПИ педагогика факультети 2-курс талабаси.



Давлатимиз раҳбари Муурожаатномада биз ёшларга ишонч билдириш билан бир қаторда, ҳар бир ишда масъулиятли бўлишни ҳам эслатиб ўтди. Биз фаолият олиб борадиган таълим соҳасида ҳам бир қанча имтиёзлар берилгани кўпчиликини бирдек қувонтирди.

Муурожаатномада мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар ҳамда олий таълим муассасалари фаолиятига алоҳида тўхталиб, ҳар бир тизим ривожланиши учун етарли миқдорда маблағ ажратилиши таъкидланди.

Мисол учун, жорий йилда 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш мақсадида 2 триллион сўм маблағ ажратилипти. Юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологиялари ахтисослашган 197 та мактаб қурилади. Жамиятда ўқитувчи оғурси ва нуфусини янада ошириш учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жағғармаларига 330 миллиард сўм ажратилган бўлди.

Жорий йилдан физика ва чет тилларини ўрганишга аҳамият кўчатирилмоқда. Бу эса янада иқтидорли ва илмунчан ёшлар кўпайишига, малкали мутахассислар вояга етишига сабаб бўлади. Энг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири — эҳтиёж-

манд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бор, даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилишидир. Бу тизим доирасида мана шундай болалар ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун 50 миллиард сўм маблағ ажратилипти.

"Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган эзгу ғоя асосида амалий ишлар бошланди. Муурожаатнома мазмун-моҳиятини барча таълим муассасаларида тушунириш ишлари давом этмоқда.

Юртбошимиз Янги Ренессанс даври бошланганини, унинг яратувчилари эса айнан ёшлар эканини доим тилга олади. Муурожаатномада ҳам бу масала яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Чунки Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида бўлган ислохотлар, бу даврда яшаган олимларимиз нафақат ўз юртимизни, керак бўлса, дунёни ҳам лол қолдирганини эсдан чиқариб бўлмайди. Учинчи Ренессанс давридан ҳам кўп ўзгаришлар мақсад қилинган. Шундай экан, қайси тизимда фаолият юритаётган ходим бўлишдан қатъи назар, ёшлар тарбиясига, таълимга бефарқ бўлмаслиги керак.

ТАЙИНЛАНУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 январдаги Ф-5618-сонли фармойишига асосан Шўҳрат Маратович Камолов беш йил муддатга Фарғона вилоят судининг раиси лавозимига тайинланди.

Шўҳрат Камолов 1977 йилда туғилган. Қорақалпоқ давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Иш фаолияти давомида Бўхоро вилояти Вобкент тумани суди, жиноят ишлари бўйича Бўхоро ва Жиззах вилоятлари судлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бўхоро

вилоятидаги Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бўхоро вилоят бошқармаси, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳри ва Навоий вилояти судларида турли лавозимларда хизмат қилган. Судлар тизимидаги ислохотларга кўра, иқтисодий, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар бирлаштирилиб, ягона суд ташкил этилган.

Шўҳрат Камоловга Фарғона вилоят судининг раиси лавозимига фаолиятига муваффақият тилаймиз.



Фарғонада ДРОНЛАР шоуси

Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги геоинновация маркази, Ички ишлар вазирлиги, Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Фарғонадаги Театр-концерт саройи майдонида ташкил этилган тадбир қизиқарли бўлди.



Тадбир аввалида вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари, ёш истеъодлар иштирокидаги концерт дастури намойиш қилинди.

Файзли оқшомда беш юзга яқин учувчисиз қурилмалар воситасида намойиш қилинган турли шакл ва кўринишлар томошабинлар ҳайратига сабаб бўлди.

— Бундай маънавий-маърифий тадбирлар аҳоли кайфиятини кўтариш, кунни мазмунли ва мароқли ўтказиш имкониятини беради, — дейди фарғоналик Анваржон Мирзааҳмедов. — Қизиқарли шоу ёшлар таълим-



тарбияси, бўш вақтларни мазмунли ва эсда қоларли ўтказиш, иқтидорли ёшларни танлаш, қўллаб-қувватлашда ўзига хос аҳамиятга эга.

Дронлар шоуси халқимиз қалбига ўзгача руҳ, кайфият бағишлади. Ҳаётжон БОЙБОЕВ.



Шерзод ҚОРАБОЕВ ва Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Матбуот анжумани

Эътиборсизлик кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда

Январь ойининг дастлабки ўн кўнлигида Фарғона шахрида ис газидан заҳарланиш билан боғлиқ иккита ҳолат қайд этилди. Ҳодиса сабаб олти нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мумкин эди. Аммо табиий газ ускуналаридан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслик, лоқайд ва эътиборсизлик мудҳис воқеаларга сабаб бўлиб қолди.



Фарғона вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасида газ ва ҳаво аралашмаси чакнаши туфайли келиб чиққан 1012 та ёнғинлар натижасида 15 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳалок бўлди. Табиий газ таъминотидаги ускуналар, уй-жойларни иситиш тизимлари,

мўриконларнинг носозлиги ёнғин ва ис газидан заҳарланиш билан боғлиқ ҳодисаларни келтириб чиқарган. Очиқ оловдан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслик ҳам ёнғин келиб чиқишининг асосий сабабларидан бўлмоқда. — Мақсадимиз бундай воқеа ва

ҳодисаларнинг олдини олиш, — дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш гуруҳ бошлиғи, лейтенант Ахлиддин Алижонов. — Бунда аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари билан боғлиқ билим ва кўникмаларини оширишга эътибор қаратилмоқда. Жойларда ёнғин содир бўлишига олиб келувчи омиллар ва унга қарши курашиш борасида тарғибот ишлари олиб борилаяпти, қўлланма, кўрсатма материаллар тарқатилмоқда.

“Тилсиз ёв”га қарши курашиш фақат мутасаддиларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Уни “жиловлаш” ҳаммаанинг бурчи. Анжуманда журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.

Расулжон КАМОЛОВ. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.



“Ғароиб Ҳасанов” дебонидан мутаййба байтлар

Келган эрмиш ул Масиҳ ўлганларин тиргузгал, Мен тирик, ваҳ, яхшироқ бу умрдан ўлмак манга. Масиҳ — Йисо пайгамбар (а.с.). Ривоятларга қўра, у Аллоҳ иродаси билан дам солиб ўлиқни тирилтирган. Навоий байтда севгилиснинг нафасини Масиҳнинг дамига ўхшатади ва “Гўзал лафоти билан кимни аввал ўлдириган бўлса, ўз нафаси билан тирилтириш учун келибди, кошкйиди, тирик бўлмаганида мен ҳам унинг нафасидан баҳраманд бўлар эдим”, дея мутаййба қилади.

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр, Айлағил май шишасидин сундруб ойнак манга. Кўзи хиралашганга кўзойнак бюрадилад. “Кўзойнагингни нима қилман, майингни қизгансанг, ҳеч йўқ шишасининг синиғидан бер, кўзимга ойнак қилай, токи оз бўлсада, хуморим ёзилсин”.

На хуш бўлғай иқовлон маст бўлсак васл боғинда, Қўлум бўлса аниг бўйнида оғзим қўлгоинда. Бу ғазал боддан-оёқ ҳазил-мутаййба рўҳида ёзилган. Агар у қайси замонда яшаган бўлишидан қатъи назар, бошқа бирор-бир шоир томонидан ёзилганда, юмор эмас, анчайин бепарда назм намунаси бўлар эди. Лекин Навоийнинг замондошлари ғазални ўқиганда, роса мириқиб кулишган бўлса керак: “Қаранг-а, ҳазрат Навоий шундай ғазал битидиладар-а!” Буюк шоирнинг ҳаёт тарзи ва эътиқоди билан таниш бўлганга ғазалхон ҳам навоиёна юмор намунасидан завқ олмаслиги мумкин эмас:

Даме васл ичра волиҳлиг биле руҳсорим эғнинда, Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёғинда. Вола — мафтун; ниёз — ёлбориш; ажз — ожизлик, чорасизлик.

Тутуб гоҳи занаҳдонин муқаррар айласам бот-бот, Кўруб гуллар очилган бодадин руҳсори боғинда. Занаҳдон — жағнинг ости, бақбар; муқаррар — тақрор.

Шимиб ютсам гаҳе ҳайвон суйидек, завқдин кўргач, Тарашшў бодадин гул Ҳазроғи янглиг дудоғинда. Ҳайвон суйи — охи баёт, хифр суйи ҳам дейилади; тарашшў — сизган, сизиб томган.

Гаҳе кўз суртаримда, юқса ҳар ён шодлиғ ашким, Гул узра қатра шабнамлар киби сийин сақоғинда. Сийин — қумшудай; сақоқ — жағнинг ёни, қирраси.

Гаҳе беҳудлуғумдин сесканиб тутсам адаб расми, Белига чирмашурда шавқнинг ифротти чоғинда. Беҳудлуғ — ўздан кетиш, бу ерда: ҳаддан ошиш.

Не келса тонг-ла келсун, бир тун усрук ётса ҳам хушдур, Киши гул чоғи бир гул хирманин тортиб қучоғинда. Усрук — маст, кайф; гул хирмани — гул шодаси, бир даста гул.

Қачон даврон манга бир буйла ишратни раво кўргай Ки, ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда.

Навоий, сен киму ишрат майи?! Билмасмусенким, ит Агар қон ичса ҳам боши керақдур ўз ялоғинда. Сўнгги икки байт аввалги байтлардаги бор юмюрни сидириб ташламоқда. Ана сизга Навоий табасмуни!

Ғаразим — бир неча кун шоҳиду майдур. Йўқ эса, Эй Навоий, бу фано дайрида не бор манга? Ғараз — ниёт, умид; шоҳид — бу ерда: гўзал дилбар; фано дайри — бевафо дунё; фонилик водийси; мажозан: майхона. Мумтоз адабиёт намуналарининг ҳозирги нашрларида истеъмолдан чиққан ва қийин сўзлар луғати ҳам, лозим топилган изоҳлар ҳам, таомилга қўра, ё китоб охирида, ёки тегишли саҳифа остида берилди. Бу ерда луғат билан изоҳлар бевоқифа байтнинг ортидан келтирилди. Бунда гап фақат қулайлик эмас. Қийин сўз қандай изоҳланмасин, барибир унинг байтдаги маъносига озми-кўпми путур етади. Навоий шеърларидаги сўзларнинг аксари эса кўпмаънолик (кўпфункционал) хусусиятига эгаки, уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш доим ҳам осон эмас. Шунингдек, тайин бир сўз гапда қайси сўзлар билан бирга келадиганига (контекстга) қараб, қўтилмаган маъно касб этиши мумкин. Масалан, луғатларда ғараз сўзи ниёт, мақсад, қасд деб таржима қилинади, аммо у сўз қўшилиб ҳам бу сўзнинг юқоридаги байтга мос маъносини тўлиқ ифодаламайди.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда сўзнинг қисқа изоҳини келтиришнинг ўзи қифоя қилмайди. Мисол учун, “Масиҳ — Йисо пайгамбар” деган изоҳнинг ўзи юқоридаги биринчи байт мазмунини оидинлаштириш учун қифоя эмас. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, ҳар қандай шарҳ, ҳар қандай талқин — субъектив ҳодиса, шарҳловчининг ёндашувига боғлиқдир. Демак, Навоий шеърларини мутлаво қилганда ўқувчи маълум маънода тадқиқотчи даражасига кўтарилиши, изоҳларга танқидий ёндашиб, ғазал мазмунига чуқурроқ кириб боришга интилиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда муаллиф йўл қўйилган ноқисилар учун газетхондан маъзур тутишни сўрайди.

Абдулла АЪЗАМОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

Фурқат тумани: ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ

Лангар каби Навбахор ҳам вилоятимиздаги энг кўркам туман маъмурий марказларидан бири. Бунга иккита қўшни туман ҳудудлари бир қисмини бирлаштириб, улар неғизда янги — Фурқат туманининг ташкил этилиши туфайли шаҳарчининг “бўш” майдонда қурилиши сабабдир. Бошқа туман марказларида бўлгани каби бир-бирига ёпишиб турган, тартибсиз, кўзни қамаштирадиган лавҳлар ва реклама акс этган дидсиз ёзувлар йўқ.

Туманининг чўл зонасида чорвачилик ривожланган, саннат тармоғи эса нисбатан катта бўлмаган бир неча корхонадан иборат. Гап шундаки, бу ерда йирик саннат корхоналари қуриш мумкин бўлган тош-шағалли бўш майдонлар деярли йўқ. Тупроғи гоҳ унумдор бўлган экин майдонларида эса асосий экинлар — пахта ва дон ўсимликлари етиштирилади. Дарвоқе, унумдор ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш гуноҳ билан баробар бўлади. Саннатнинг яхши ривожланганлиги бандсизликнинг асосий омилдир. Тўғри, маҳаллий ҳокимият тегишли тузилмалар билан биргаликда янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилапти. Мисол учун, туман марказидаги собиқ коллеж биноларининг бирида туркиялик сармоядорлар қалава ип чиқарадиган корхонани ташкил этишга ҳаракат қилаётди, гарчи бу лойиҳа ҳақида гапириш ҳали эрта бўлса-да.

Кенжаева олиб бормоқдалар. — Машғулотларимизда асосан банд бўлмаган ёш хотин-қизлар қатнашаптилар, — дейди Садоқат Тўйчиева. — Уч ойлик курсларни битиргандан сўнг уларга сертификат берилиб, бу ҳужжат уларга кичик хусусий корхона — тикувчилик цехи, устакхона очиш учун кредит олиш ҳуқуқини беради. Курс тингловчиларидан бири — Қўшчи қишлоғилик 38 ёшли Хумора Ҳатамова Қўқондаги тиббиёт коллежини битирганлигини, бир неча йил юқумли касалликлар шифохонасида ишлаганлиги, лекин штатларнинг қисқариши сабабли ишсиз қолганлиги, ички ишлар идораларида хизмат қилган турмуш ўртоғи Азизбек эса истеъфога чиққанлиги, уч нафар фарзанд уलगаятган оила ота нафақасига яшаб келаётганлигини гапириб берди. Қўлбобо қишлоғилик 33 ёшли Уғилой Турғунованинг ҳам ҳамшира дипломи бор. Бироқ 2006 йилда ўқишни тугатган Уғилой мутахассислиги бўйича бирор кун ҳам ишламаган. Сабаби эса аниқ; бўш ўрин бўлмаган, чунки ҳар қандай туманда бўлгани каби бу ерда ҳам битта йирик соғлиқни сақлаш муассасаси — туман тиббиёт бирлашмаси мавжуд, холос. Суҳбатдошим у билан бирга коллежни бир вақтда битирган 120 нафар қизнинг аксарияти мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаганлигини айтади. Тикишни чевар қўшнисидан ўрганган Уғилой неқбинлик билан маълум қилади: — Сертификатни олгач, бир неча тикув машинасини харид қилиш учун кредит оламан-да, уйимизда тикув цехи очаман. Ота-онам билан бирга яшай-



ман, уйимиз катта, битта хонани ажратиб беришмоқчи менга. Ишга маҳалламиздаги бандсиз беш-ўн нафар аёлни таклиф қилмоқчиман. Шуниси қизиқки, биз суҳбатлаган учинчи тингловчи — ободонлик Шоҳидохон Қудратова ҳам ишсиз ҳамшира бўлиб қикди. Бу, хатого йўл қўйилганлиги, яъни тиббиёт коллежларида ҳамшираларнинг керагидан ортиқча тайёрланганлигидан далолат, албатта. Мустақиллик маҳалласида яшовчи қиз-жувонларнинг омади чопган экан. Уларнинг бир қисми, аниқроғи, 50 нафари бундан уч йил муқаддам ўрта маълумотли, лекин тадбиркорлик қобилияти аъло Авазбек Маматкулов томонидан очилган мўъжаз фабрикада бандлар. Корхонанинг икки қаватли биносини ёш тадбиркор ўз наблаглари эвазига

барпо этган. Германияда ишлаб чиқарилган технологик асбоб-ускуна ўрнатилган «Dur Star Tex» ХКда мавсумга қараб эркаклар кўйлақлари, баҳорбоп курткалар, мактаб формаси тайёрланади. «Star Tex» бренди остида ишлаб чиқарилаётган корхонанинг сифатли, рақобатбардор маҳсулотли бўлиб қикди. Бу, хатого йўл қўйилганлиги, яъни тиббиёт коллежларида ҳамшираларнинг керагидан ортиқча тайёрланганлигидан далолат, албатта. Мустақиллик маҳалласида яшовчи қиз-жувонларнинг омади чопган экан. Уларнинг бир қисми, аниқроғи, 50 нафари бундан уч йил муқаддам ўрта маълумотли, лекин тадбиркорлик қобилияти аъло Авазбек Маматкулов томонидан очилган мўъжаз фабрикада бандлар. Корхонанинг икки қаватли биносини ёш тадбиркор ўз наблаглари эвазига

маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида, маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш чораларини кўряптиз. Бунинг шунингдек, пандемия шароити ҳам тақозо қилапти.

Тадбиркор Бобомурод Шомуродов кўмағида туманининг чекка жойидаги “Галлакор” МФЙ да трикотаж цехи ташкил этилган. 15-20 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган мўъжаз корхона йиғинининг бўшаган биносидан жойлашган. Маҳалла оқсоқоли Равшанбек Аҳмедовнинг гапига қараганда, корхона ижара тўловидан озод қилинган. Бу, албатта, яхши имтиёздир.

Туман ҳокимиятининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Шоҳидохон Мирзааҳмедова “Тадбиркор аёл” уюшмаси “Ўз-ўзини банд қилиш” тамойили асосида ҳам аёлларнинг бандлигини таъминлаётганини айтади. Масалан, уюшманинг саёй-ҳаракатлари билан тикиш-бичишга майли бўлган 21 нафар аёлга 48 та замонавий тикув машинаси олиб берилди. Машиналар 3 йиллик мудатда, 15 фойда микдорига кредит асосида олинди. Бу, албатта, яхши. Лекин бозорда таклиф этилаётган тикув буюмлари уларга бўлган талаб-эҳтиёждан ортмаслиги лозимлигини унутмаслик керак. Акс ҳолда, маҳсулот сотилмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг янги турларига қўл уриш, маҳсулотнинг камчилик ёки янги турларини ишлаб чиқаришга бел боғлаш керак.

Тамара ТОШМАТОВА.

Баркамол авлод орзуси

КАТТА ҲУДУДЛАРНИНГ КИЧИК МУТАХАССИСЛАРГА ЭҲТИЁЖИ

КАСБ-ҲУНАР МАКТАБЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲАЁТБАХШ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ДОИРАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Айни пайтда вилоятимизда 33 та касб-ҳунар мактаблари фаолияти йўлга қўйилиб, 2020-2021 ўқув йилида ушбу мактабларга 9219 нафар 9-синф битирувчилари қабул қилинди. Шунингдек, 18 та техникумларда 4707 нафар келажакимиз



ворислари таълим-тарбия олмақда. — Назарий дарс соатлари қисқартирилиб, ўқувчиларнинг амалий билим кўникмаларини ошириш, бу борада бевоқифа иш берувчилар ва тадбиркорлар билан ҳамкорликка жиддий эътибор қаратилаяпти, — дейди Тошлоқ туманидаги 1-сон касб-ҳунар мактаби директори Хурматали Турдалиев. — Мактабда 178 нафар ўғил болалар, 88 нафар қизлар икки йил давомида чеварчилик, дурадгорлик, чилангарлик каби кичик мутахассисликлар бўйича етарли билим ва амалий тажрибага эга бўлади. “Қумарик” маҳалла фуқаролар йиғини туман марказидан 15 километр узоқда

жойлашган бўлиб, касб-ҳунар мактаби фаолиятини шакллантиришда, энг аввало, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ дастурларга мос мутахассислар тайёрлаш инobatта олинди. Ўз навбатида, маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда мактабда замонавий иссиқхона барпо этилиб, 6 та, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехида 10 та, тикувчилик корхоналари билан келишилган ҳолда 20 та иш ўрни яратилаяпти.

Ботир МАДИЁРОВ. Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

Сиддиқ МҶМИН
**ИККИ ҚУДРАТ –
ИККИ БАХТ**

Мозийга назар солсанг,
Ҳикмат кўпдир ибратли:
Қўллағай ишлаб толсанг –
Ешлик ва саломатлик.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Аждодларим азалдан
Ешларини қўллаган.
Мадрх айтиб шеър, ғазалда
Соғлигини ўйлаган.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Ешлар – белга қувватдир,
Эртанинг эгалари.
Соғлом эл – бақувватдир,
Асра ёшлик маҳали!
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Келажакни ўйлаган
Маррани баланд олгай,
Ешларини қўллаган
На йиқилгай, на толгай.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Ота-она, устозлар
Илм бериб қўллайди.
Тарбиялаб, эъозлаб,
Катта йўлга йўллайди.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Илмни қурол қилган
Ҳеч ҳам ортада қолмайди,
Баданин чиниқтирган
Соғлом авлод толмайди.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Соғлом, эркин замонда
Қўллаб турар Юртбошинг.
Ерда – ота, осмонда
Порлаб турар кўёшинг.
Бу иккиси – икки тахт,
Икки қудрат – икки бахт!

Бағдод тумани халқ таълими бўлими тажрибаси:

**Туманнинг “МИЛЛИОНЕР”
мактаблари**

Газетамизнинг 2021 йил 8 январь кунги сонидан Бувайда тумани мактабларидаги иссиқхоналар ҳақида сўз юритилган эди. Шу мавзунинг мантиқий давоми сифатида Бағдод туманидаги мактабларда иссиқхоналар ташкил этиш тажрибасини ўргандик.

Туманда бундан уч-тўрт йил аввал умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудларидаги бўш турган ерлардан унумли фойдаланиш бошлаб юборилган. Кимдир боғ қилади, бошқаси эса иссиқхона куриб, ундан самарали фойдаланади. Бунинг натижасида иссиқхоналар даромад манбаига айланди. Фақатгина даромад эмас, балки ўқувчиларни меҳнат тарбиясига ҳам ўргатиш устозларнинг олдида кўйган мақсадларидан бири ҳисобланади. Иссиқхонада олинган илк ҳосил ўқитувчилар, пенсионер устозлар, маҳалла ҳудудда истиқомат қилувчи ёши улуг инсонларга беҳимнат тарқатилиб келинмоқда.

Бағдод тумани 34-умумий ўрта таълим мактабига борсангиз, худди боғга келдимикан? — деб ўйлаб қоласиз. Бу ерда турли хил мевали дарахтлар кўп.

— Бу мактабда иш фаолиятининг бошланганимга 8 йилдан ошди. Қўлдан келганча мевали дарахтлар экянимиз. Майдони 3 гектардан ортиқ бўлиб, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланамиз. Шу мақсадда 8 сотих ерда иссиқхона қурдик. Олтириқлик деҳқонлардан қалампир кўчатининг 3 хил навини етказиб беришга қелишиб олганмиз. Кўчатларни 10-20 февраль кунлари оралғида ерга ўтказамиз. Кейинги йилда мана шундай иссиқхоналардан яна иккитасини ташкил қилиш режалаштирилган. Икки сотих ердаги иссиқхонага гул экилган. Баҳорнинг илк кунларида мактаб иссиқхонасида унган гуллар бозорларни эгаллашига ҳаракат қиламиз. Ҳосилимиздан келадиган даромад кутубхона фондини бойитиш, эхтиёжманд ўқитувчи ва ўқувчиларга тарқатилади. Мактаб стадиони янгича услубда таъмирланади. Томорқа еридан самарали фойдаланиш орқали мактабнинг деярли барча камчиликларини ўзимиз бартараф этяпмиз, — дейди мактаб директори Бунёдjon Мирзааҳмедов.

Қишлоқ шароитида ҳар бир педагог деҳқончиликдан бохабар бўлади. Иссиқхоналардан фойдаланиш устозларга қийинчилик туғдирмади. Қайтанга экин турлари кўпайтирилиб, лимон кўчатлари остига помидор, аччиқ ва бўлғор қалампир экишганини таъкидлаб ўтишди.



Тумандаги 55-умумий ўрта таълим мактабиди ҳам бунинг аёқол кўриши мумкин.

— Оиламизда иссиқхона бор. Бу меҳнат менга таниш. Мактаб иссиқхонасидаги лимондан олинган даромад ўзимизга сарфланади. Мисол учун, бир синфдошимнинг оилавий аҳоли яши эмаслиги учун қишқи кийим ололмаётгани. Директоримиз “мактаб совғаси, илк ҳосилимиз даромадидан” дея, унга иссиқ кийим олиб берди, — дейди 9-синф ўқувчиси Сардор Эгамбердиев.

Бу тажриба мактабларда фаол амалга оширилмоқда. Бундан уч йил аввал тумандаги 22-умумий ўрта таълим мактабиди иссиқхона барпо этилган. Лимонлар бу йил серҳосил бўлиб, ходимларга тарқатилди. Даромадининг бир қисми кутубхона фондини яхшилашга сарфланди.

Туманда 59 та мактаб мавжуд. Ўрганишлар натижасида қарийб 20 яқин мактабларда мана шундай иссиқхоналар ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Яна ўнлаб мактабларда бу ишлар давом эттирилмоқда.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

«Вилоят ҳоқими кубоги — 2021» Спорт

**МУСОБАҚАЛАР
ТАҚВИМИ
МАЪЛУМ
БҮЛДИ**



Аввал хабар берилганидек, 23 январдан Фарғона вилояти ҳоқимлиги ва Фарғона вилояти футбол ассоциацияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Вилоят ҳоқими кубоги — 2021» мусобақаси старт олади.

Турнирда 16 та жамоа 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боради. Гуруҳларда 1-, 2-ўринларни эгаллаган жамоалар кейинги босқичларда курашни давом эттиради. Кубок соҳиб 2 февраль кун ғолиб ўтадиган финал учрашувида маълум бўлади.

Тақвимга кўра жамоалар гуруҳларда қуйидагича жой олди:

«А» ГУРУҲИ:
«Нефтчи», «Нур Баткен» (Қирғизистон), «Андижон-2», «Пахтакор-79».

«В» ГУРУҲИ:
«Турон», «Истиқлол», «ЎзТонгХонгКо», «Навбахор-2».

«С» ГУРУҲИ:
«Бунёдкор», «Турон-2», «Нефтчи-2», «Навбахор-фарм».

«Д» ГУРУҲИ:
«Қўқон-1912», «Бухоро», «Ғиждувон», «Андижон».

Мусобақалар «Нефтчи СК» ва Фарғона давлат университети ўйингоҳларида ўтказилади.

Томорқа —
ХАЗИНА



**Лимончилик
МИРИШКОРЛАРИ**

Ўртдошларимиз томорқадан унумли фойдаланиш мақсадида тиним билмайдилар. Лимончилик билан шуғулланувчилар учун бу даврда иш «қайнайди».

Томорқамизда лимон етиштиришни йўлга қўйганимизга унча кўп бўлмади, — дейди Риштон туманидаги Богистон

маҳалласида истиқомат қилувчи Иброҳимжон Ботиров. — Дастлабки қурилган 2 сотихлик иссиқхонадан бу йил бир тонна лимон ҳосили олдик. Яна иккита иссиқхона ҳар сотихдан бир тоннадан ҳосил беради. Мухими, кунт ва ерга меҳр бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш керак.

Туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири саналган Ёйилма қишлоғида ҳам кейинги пайтларда лимончилик ривожланиб бормоқда.

— Қузда харидорлар келиши. Қилосини 9-10 минг сўмдан сотишни таклиф қилишганиди, — дейди Озоджон Заитов. — Икки ой сақладик. Мана, бугунги кунда 20 минг сўмдан харидорлар бор...

Кенг-мўлгина хонага яшиқларда лимон меваларини полиэтилен халталарга солиб, териб қўйилибди. Ҳар бир халтага алоҳида солинган лимонлар янги узилгандек сақланган. Озоджон 5 сотихлик иссиқхонасида бу йил 700 килодан зиёд ҳосил олди. Икки йиллик кўчатлар баравж ривожланмоқда.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

Реклама ўрнида

“АГРОБАНК” АТБ:

“ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАН ОИЛАЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТИЛЯПТИ

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, бу борада юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида бир қатор эзгу ташаббуслар илгари сурилди. Бу вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари фаолият кўламини замонавий мезонлар асосида такомиллаштириб, ҳар бир маҳалла, оила кесимида ишлаши кераклиги таъкидланди.



“Агробанк” АТБ филиаллари вилоятимиздаги 455 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бириктирилган. Айни пайтда ушбу МФЙларда 1 млн. 631 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар бир маҳалла ва оила кесимида олиб борилган ўрганишлар жараёнида ҳудуддаги 18 минг нафардан зиёд инсон “Темир дафтар” рўйхатида киритилди.

2020 йил давомида банкимизга бириктирилган ҳудудда яшовчи, “Темир дафтар” рўйхатида киритилган 1 минг 182 нафар ҳамюртимиз кредит олиш истагини билдирди. Мутахассисларимиз кўмағида бизнес-лойиҳалар тайёрланиб, уларга 12,2 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўтган йили банкимиз филиаллари томонидан вилоятда оилавий тадбиркорлик, хусусий ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари доирасида ажратилган кредитлар ҳисобига 9228 та янги иш ўрни яратилди. Бу борада “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ешлар дафтари” рўйхатида киритилган оилалар, хотин-қизлар ва ешлар билан ишлаш, уларни муқим даромад манбаига эга бўлишлари учун кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айни жараёнда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 24 октябрь кунги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам фаолиятимизда муқим дастуриламал бўлмоқда.



Шу тариқа ўтган йил мобайнида банкимиз филиаллари томонидан шаҳар-туманларда 9186 нафар тадбиркор ва аҳоли вакиллари 250,6 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди ҳамда белгиланган прогноз режаси 141 фоизга бажарилди.

“Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш”, “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш”, “Хунармандчиликни ривожлантириш”, “Yoshlar — kelajagimiz” сингари давлат дастурлари доирасида кредитлар берилди. Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳамда маҳаллий ҳоқимликлар ҳузуридаги жамғармаларнинг дастурлари доирасида ҳам кредитлар ажратилиши таъминланяпти.

“Агробанк” АТБ жорий йилги муқим йўналишларни шакллантиришда Мурожаатномада билдирилган эзгу ташаббусларни рўёбга чиқаришни устувор вазифа сифатида белгиламоқда. Бу эса, ўз навбатида, Фарғонада тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусан, аҳолининг давлатимиз кўмағига муҳтож қатламларини аниқ даромад манбаи билан таъминлашда муқим аҳамиятга эга.

Муроджон АЗИМОВ,
“Агробанк” АТБ Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.

<p>МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОҚИМЛИГИ</p> <p>Вилоят ҳоқимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</p> <p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>Газета тахририятига юборилган кўлёзма ва суратлар қайтариламайди.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.</p> <p>Босишга топшириш вақти: 19.00. Топшириш вақти: 19.00.</p> <p>Буюртма: 44 Индекс: 7521 Алади: 10 455</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p> <p>Саҳифаловчи Алишер Розиков.</p>

